O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 19 июнь, шанба • № 49 (11.132) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТНИНГ СУРХОНДАРЁГА САФАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида 17 июнь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбарини Термиз аэропортида Сурхондарё вилояти ҳокими Ж.Норалиев кутиб олди.

Президентимизнинг Сурхондарёга сафари Ўзбекистон-Афғонистон чегарасидаги «Айритом» божхона мажмуи билан танишишдан бошланди.

Йўлбошчимиз мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида ўзининг ҳарбий бурчини ўтаётган йигитлар билан суҳбатлашди. Чегара истеҳкоминнинг жойлашуви, аскарларнинг ҳарбий-жанговор тайёргарлиги даражаси ва яшаш шароити билан танишди. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш учун зарур кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг Президент Ислом Каримов Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» ширкатлар уюшмасига қарашли «Улуғбек-2» фермер хўжалиги ғаллазорларини кўздан кечирди. Хўжалик аъзолари Юртбошимизга бу йил далаларга экилган «Полосчанка» навли буғдойнинг ўзига хосликлари, ҳар гектар ердан ўртача 45 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаётганликлари, санацияга тушганига қарамай, хўжалик жорий йилни катта даромад билан якунлашни режалаштираётгани тўғрисида сўзлаб бердилар.

Президентимиз вилоятда ғалла уруғчилиги масалалари устида жиддий иш олиб бориш, бу борада асосий эътиборни деҳқонларнинг талаб ва истакларига қаратиш лозимлигини уқтирди.

Қумқўрғон тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган ёшлар билан учрашув чоғида эса Юртбошимиз эътиборни жойлардаги жамоат ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, ёшлар билан ишлашни замон талаблари асосида йўлга қўйиш лозимлигига қаратди.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрида бунёд этилаётган «Алпомиш» спорт мажмуи билан ҳам танишди. Теннис кортлари, сув ҳавзаси ва бошқа спорт иншоотларидан иборат бу мажмуани одамларнинг ҳақиқий дам олиш масканига айлантириш лозимлигини таъкидлади.

Сурхондарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда Президент Ислом Каримов вилоят аҳли, турли даражадаги раҳбарлар олдида турган долзарб вазифалар ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ва қисқа муддатларда ўтказиш, такрорий экинлар экишни жадаллаштиришдан иборат эканлигини уқтирди. Шу билан бирга, маънавий-маърифий соҳадаги ишларни жонлантириш, айниқса турли диний-экстремистик оқимларга қарши курашни кучайтириш, кадрлар тайёрлаш борасидаги ислоҳотлар кўламини кенгайтириш ҳам муҳим вазифалардан эканлигини қайд этди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига келди. Давлатимиз раҳбарини Қарши аэропортида вилоят ҳокими Ш.Бегматов кутиб олди.

Беҳзод УСМОНОВ,
Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ОЛМАЛИҚ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИГА

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ташкил этилганига 50 йил тўлди

Азиз дўстлар!

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ташкил топган куннинг 50 йиллиги муносабати билан шонли жамоангизни сидқидилдан муборакбод этаман.

Ўтган йиллар мобайнида комбинат рудаларни ер остидан қазиб олувчи конларни, бойитиш фабрикаларини, металлургия заводларини, катта-катта энергетика ва транспорт тизимларини, ижтимоий соҳа объектларини бирлаштирувчи ноёб саноат комплекси сифатида шаклланди.

Комбинат 4 миллион тоннадан кўпроқ тозаланган мис, 2,7 миллион тонна металл рух, 1,4 миллион тонна қўрғошин концентрати, 21 миллион тонна олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарди.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида комбинат ўзининг янги куч-кудратига эришди. Бу ерда ишлаб турган корхоналарнинг қувватлари узлуксиз оширилиб, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси такомиллаштириб борилди. Бу эса тозаланган мис ишлаб чиқаришни 2,8 баравар, мис рудасини қайта ишлаш ҳажмини икки баравар кўпайтириш имконини берди.

Мис эритиш заводида соф олтин ва кумуш ёмбиларини ишлаб чиқариш цехларини барпо этиш ҳамда уларни ишга тушириш топшириғи жуда қисқа муддатларда бажарилди.

Жаҳон амалиётида илк бор бир йил мобайнида битта корхонанинг икки хил маҳсулоти Лондондаги олтин ва қимматбаҳо металлар биржасининг сифат белгисига сазовор бўлди.

Ғоят юксак баҳога муносиб бўлган ана шу ютуқлар сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, касб маҳоратингиз ва ишга нисбатан ижодий муносабатингиз, бунёдкорликка ва доимий камолотга интилишингиз натижасидир.

Ишончим комилки, комбинат ишлаб турган бутун давр мобайнида биронта ҳам миллатлараро ва шунга ўхшаш зиддиятлар бўлмаган, 35тадан зиёд миллат вакиллари қўлни қўлга бериб меҳнат қилаётган корхонанинг кўпмиллатли жамоаси бундан буён ҳам жипслик, ўзаро тотувлик ва бир-бирига нисбатан иззат-ҳурмат намунаси бўлиб хизмат қила беради.

Бир нарсага ишончингиз комил бўлсин — Ўзбекистон Раҳбарияти, Ҳукумати ва халқи ҳаммамиз учун азиз бўлган Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатингизни бундан буён ҳам юксак қадрлайдилар.

Барчангизга ва оилаларингизга сиҳат-саломатлик ва омон-эсонлик, машаққатли ҳамда олижаноб меҳнатингизда улкан ижодий муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ОЛМАЛИҚ тоғ-металлургия комбинатининг деярли барча ходимлари ўзларининг байрамлари — корхоналарининг ташкил этилганлигига 50 йил тўлган кунни меҳнат жараёнининг барча жабҳаларида яхши кўрсаткичлар билан кутиб олдилар. Айниқса, мис эритиш заводи, рух саралаш фабрикаси ишчилари ҳамкасбларига ўрнак бўлдилар. Комбинат жамоасининг аъзолари меҳнатда эришган ютуқларини республикамиз мустақиллигининг улуғ байрами — Ўзбекистон истиқлолининг саккиз йиллигига муносиб тўёна деб атамоқдалар.

СУРАТЛАРДА: флотация майдонида (чапда); металлурглар тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар.

Равшан НУРИДДИНОВ олган суратлар (ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ мустақиллигини, унинг иқтисодий қудрати ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган ҳамда республикамизда тоғ рудаларини қазиб олиш ва металлургия саноати, транспорт, қурилиш ишларини ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

"ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН

Сигедин Виталий Николаевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг бош директори

Тиркачев Элмурот -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводининг бригада бошлиғи

"МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН

Лузгина Наталья Сидоровна -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси флотация цехи флотатори

Раммэ Виктор Юрьевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг "Қолмақир" кони директори

Ситников Геннадий Михайлович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводининг катта устаси

Тошпўлатов Неъмат -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг майдалаш ва флотация цехи бошлиғи

Хрипиков Александр Михайлович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг электромонтёри

"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

Абдубаитов Шакирбек Ахатович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг "Қолмақир" кони экскаватор машинисти

Аранович Виктор Львович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг бош муҳандиси

Бегматов Абдуғани -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти саноат темир йўл транспорти бошқармасининг машинисти

Бикбаева Амина Иманбаевна -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти қурилиш-монтаж бошқармасининг сувоқчи-бўёқчиси

Довченко Владимир Анатольевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводининг директори

Дорофеев Владильян Михайлович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти рух заводининг директори

Каримов Абдинодир -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти автотранспорт бошқармасининг биринчи автобазаси бошлиғи

Подгайченко Василий Васильевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти саноатни сув билан таъминлаш цехининг бошлиғи

Сеитов Джебар Аблаевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикаси чиқиндиларни жойлаштириш цехининг бошлиғи

Хайдаров Раҳимбек Кўчқарович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти иссиқлик электр марказининг бошлиғи

"Шуҳрат" медали билан

Бичурин Вячеслав Борисович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти хўжалик транспорт автобазасининг бошлиғи

Воякина Надежда Михайловна -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг ижтимоий-маданий объектларга хизмат кўрсатиш цехи бошлиғи

Гапонов Геннадий Андреевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси бош муҳандиси

Гзовская Клара Тнимбаевна -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти транспорт ва тайёр маҳсулотни жўнатиш бўлимининг бошлиғи

Дьяков Геннадий Павлович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг автотранспорт бошқармаси тракторларни таъмирлаш чилангари

Жалилов Абдунаби Ботирович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти "Қолмақир" конининг электр таъмирловчиси

Жданова Елизавета Григорьевна -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг техникавий назорат хизмати бошлиғи

Ирназаров Ташпўлат Тауболдиевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти "Қолмақир" конининг устки қатламни очиш карьери бошлиғи

Калапов Виктор Иванович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводининг электролиз цехида сувли эритмалар бўйича электролизчи

Королевский Анатолий Сергеевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти таъмирлаш-механика заводининг темир-пайвандлаш цехи бошлиғи

Курочкин Александр Николаевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг автотранспорт бошқармаси ҳайдовчиси

Малмуратов Сергей Иргашевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти рух заводининг қуйдириш цехи ишчиси

Маликов Абдимаҳкам -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг "Сариқ чўққи" кони пармалаш ускуналари машинисти

Махсимов Қурбонали Мусурмонович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси чилангари

Мирзаев Абдуҳамид -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг "Сариқ чўққи" кони электр чилангари

Сухорукова Галина Артемьевна -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг хўжалик бўлими муҳандиси

Турсунов Абдумалик Шибаевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг "Қолмақир" кони пармаловчи қурилма машинисти

Умаралиев Сотиболди -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти қурилиш-монтаж бошқармасининг бош муҳандиси

Усмондиёров Кувонбой Абдикодирович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи конвертерчиси

Хасполадов Вагиф Шовкет-огли -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводининг электролиз цехи бошлиғи

Ва қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ"

Згадов Анатолий Егорович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводининг ишчиси

Пареха Тимофей Митрофанович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг қурилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бош муҳандис ўринбосари

Приходько Валерий Ильич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг "Қолмақир" кони бош механиги

Тимашева Фаина Марковна -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг бош маркшейдери

Шоисломов Анвар Тоирович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг ходимлар билан ишлаш бўйича директори

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ"

Ермаков Виктор Дмитриевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг автотранспорт бошқармаси бошлиғи

Муҳсинов Шуҳрат Шавкат ўғли -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг саноат темир йўл транспорти бошқармаси бошлиғи

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ"

Авдеев Борис Борисович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Ким Андрей Алексеевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг қурилиш бошқармаси бошлиғи

Ҳамда қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлансин:

Ким Герман Донкоивич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти энергия таъмирлаш цехининг ишчиси

Кучеров Геннадий Яковлевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис эритиш заводининг қимматбаҳо металлар ишлаб чиқариш цехининг ишчиси

Маҳмудов Абдуқаюм Абдусаматович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти хўжалик транспорт автобазасининг ҳайдовчиси

Мунасипов Валерий Лутфеевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг реагентлар тайёрлаш участкасида реагент эритувчиси

Пушкарёва Зинаида Сергеевна -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг ахборот-ҳисоблаш маркази бошлиғи ўринбосари

Салахиев Фанис Фамиевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти рух заводининг электролит цехи бошлиғининг ўринбосари

Сотивалдиев Аҳмад Тошпўлат ўғли -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг саноат темир йўл транспорти бошқармаси машинисти

Строц Олег Васильевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг лойиҳа ишлари бўлими бошлиғи

Тронина Светлана Ивановна -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти таъмирлаш-механика заводининг ишчиси

Федоров Александр Юрьевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти "Қолмақир" конининг экскаватор машинисти

Ҳайтбоев Собир Тожибоевич -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг автотранспорт бошқармаси ҳайдовчиси

Ҳошимов Мирза Азим ўғли -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамиятининг темир йўл транспорти бошқармаси чилангари

Шайбаков Фаргат Нурлигаянович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти мис бойитиш фабрикасининг майдалаш цехи участка бошлиғи

Эшманов Ҳакимқул Пўлатович -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти "Қўрғошин" бойитиш фабрикасининг тегирмон машинисти

Якибов Ғапуржон -- Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати очиқ акциядорлик жамияти рух заводининг қуйдирувчиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 16 июнь.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ЧИРЧИКДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

РЕСПУБЛИКА «Тасвирий ойина» ижодий бирлашмасининг вилоят бўлими яқинда шаклланганига қарамай, қулочини анча кенг ёйишга муваффақ бўлмоқда. Шаҳар ва туманларимизнинг диққатга сазовор жойларида ишлаб чиқариш жараёни, маънавият, тарихий солномалар, маданий ҳаёт мавзуларига бағишланган сермазмун кўргазмалар кўпайиб қолди.

Хусусан, ижодий бирлашма вилоят бўлимининг куни кеча Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган семинар кенгашида бу фикр алоҳида таъкидланди. Анжуман қатнашчилари «Тасвирий ойина»нинг шаҳарга кўрк бағишлаган сурат-кўргазмаларини томоша қилар эканлар, бу ташкилотнинг қадами дадил эканлигини ҳис этдилар.

Семинар-кенгашда ижодий бирлашма вилоят бўлими бошқарувининг раиси Дониёр Мирзаахмедов намойиш этилаётган сурат-кўргазмаларнинг таъсирчанлигини ошириш, мавзулар ранг-баранглигини таъминлаш, улар орқали республикада эришилаётган муваффақиятларни кенг тарғиб этиш мавзусида маъруза қилди.

Кенгаш сўнгида кўргазмали тарғибот воситалари тайёрлашни ташкил этишдаги фаолликлари учун Чирчиқ шаҳар бош меъмори Ш. Кенжаев, ижодий бирлашманинг Пскент, Паркент туманлари ва Бекобод шаҳри бўлимлари раислари М. Мирхалилов, М. Жамолов, Ж. Бердимуродовлар «Тасвирий ойина»нинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Семинар-кенгашда вилоят ҳокими муовини Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

Ольга МАКСИМОВА.

ЧОЙДАН КЕЙИН МУКОФОТ

ВИЛОЯТИМИЗДА оддий меҳнат кишиларини моддий рағбатлантириб бориш — ижтимоий ҳимоя дастуридан мустаҳкам ўрин олган. Бу тадбирни қайси шаҳар ва туман қай даражада амалга ошириши мазкур ҳудуднинг иқтисодий имкониятлари билан бевосита боғлиқдир.

Куни кеча ғалла ўрим-йиғимини бошлашдан олдин бир пиёла чой устида комбайнчилар билан ўтказилган мулоқот даврасида Паркент тумани ҳокими Туроп Ҳолтоев механизаторларга «Оқ йўл» тилагач, ғаллакорлардан 8 нафари гиламлар, 20 нафари палослар билан тақдирландилар.

Мукофотланганлар орасида кўп йиллардан бери ўрим-йиғимда фақат тумандагина эмас, вилоятда ҳам пешқадам бўлиб келаётган «Бойқозон», «Гулбоғ», «Навбаҳор» ширкат хўжаликларидан Шорустам Шомақсудов, Салим Хидралиев, Муса Юнусов, Муҳиддин Рўзматов сингари комбайнчилар бор эди.

Саид АҲМЕДОВ.

ШАРТНОМА ИШГА ТУШДИ

ТОШКЕНТ шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари давлат уюшмаси Тошкент вилоятидаги туркум саноат корхоналари билан шартномалар тузди.

Шу ҳужжат асосида Бекобод металлургия комбинати арматура пўлатлари етказиб берса, Чирчиқ трансформаторчилари корхонани энергетика асбоб-ускуналари билан таъминлайдилар. Ангрендаги резина-техника заводи, Янгийўлдаги «Нормал» корхонаси буюртмаларни адо этишга киришди. Шунингдек, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари саноатчилари ҳам транспортчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Улар етказиб берадиган маҳсулотларнинг аксарияти янги трамвай ва троллейбус йўлларини қуриш учун ишлатилади.

Акбар АЛИЕВ.

«ШОДЛИК» БАҒРИДА

ОҚҚЎРҒОН туманидаги Саид Тоиров номли дам олиш масканида болалар оромгоҳи ишга тушди. «Шодлик» деб номланган ушбу масканда ҳозир туман халқ таълими хизматчиларининг 120 нафар фарзандлари ёзги таътилни хушвақтлик билан ўтказмоқдалар.

Уларга уч маҳал иссиқ овқат, мева-чевалар етарлича етказиб бериляпти. Чўмилиш ҳавзаси, спорт майдончалари, кинотеатр, теннис корти ва бошқа иншоотлар улар ихтиёрига бериб қўйилган.

Ҳозирча тумандаги бешта мактаб ўқувчилари дам олишмоқда. Айни вақтда оромгоҳни кенгайтириш масаласи кўриб чиқиляпти.

Алишер НАЗАРОВ.

МАТОЛАРНИНГ ЯНГИ ЧИРОЙИ

ВИЛОЯТ аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси тизимида янги шоҳобчалар сони мазкур йилнинг беш ойи ичида ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 12тага кўпайди.

Бу жойларда пуллик хизмат кўрсатишга эътибор ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Янги иш жойлари очишда Зангиота, Тошкент, Қибрай туманлари мутасаддилари анча фаоллик кўрсатмоқдалар. Хусусан, Зангиота туманида йил бошидан буён 10та хизмат шоҳобчалари фойдаланишга топширилиб, улар 26 нафар ишчини ўз бағрига олди.

Туманда сартарошхоналар, тикув цехи билан бирга якинда матоларни бўяш цехининг очилганлигидан аҳоли, айниқса, мамнун.

Шаҳло БЕКНАЗАРОВА.

МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

ХАЛҚ ҲУНАРИ — ҲАҚ ҲУНАР

ҲУНАРМАНД аҳли барча даврларда ўз касби билан ардоқда бўлиб келган. Агарда сўзимизни мозийдан бошлайдиган бўлсак, Амир Темур ҳазратлари замонида ҳунар эгаларига кўрсатилган иззат-икром нечоғли катта бўлганига гувоҳ бўламиз. Сохибкироннинг қайсики юртга борса, дастлаб ўша ернинг уста, ҳунармандларини суриштиришида бир олам ҳикмат бор. Сабаби, ҳунарманд усталар бор экан, юрт ҳамиша обод бўлган, тўкин бўлган.

Амир Темур ҳазратлари ҳар йили Наврўз байрамида Конигилда ҳунармандларнинг ўзига хос кўргазмаларини ташкил этган эканлар. Унда қатор-қатор расталарда ажойиб буюмлар намойиш этилган, айни пайтда савдо-сотиқ ҳам авжига чиққан.

Бир пайтлар оддий бешикдан тортиб, кундалик эҳтиёжимиз бўлган нонгача беркитиб тайёрлаганмиз. Юрак ҳовучлаб, бозорларга борган пайтларимизни яхши эслаймиз. Дўппидўзлар, зардўзлар, чопончиларимизни кўяверайлик. Бу аслини олганда шўролар тузумининг миллий ҳунармандчилигимизга, миллий ўзлигимизга ҳужуми, тазйиқи бўлган эди.

Хориждан ташриф буюрган сайёҳлар ҳунармандларимизнинг моҳир қўли ила яралган буюмларни соатлаб томоша қилганига барчамиз гувоҳмиз. Оддийгина ёғочни санъат асарига айлантирган ўймакор усталаримиз, нақшларимиз, ганчкорларимиз маҳоратига тан бермай иложи йўқ кишининг. Президентимиз ҳунармандларнинг меҳнатига жуда катта эътибор кўрсатиб, мунтазам ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Юртимизда жўшқин фаолият кўрсатаётган «Усто» бирлашмаси, «Ҳунарманд» уюшмаси фикримизга тўла далил бўла олади. Айниқса, «Ҳунарманд» уюшмасининг тузилиши барчамизга парвоз учун қанот бахш этди.

Соҳибқирон давридан неча-неча йиллар ўтиб, юртимиз ҳунармандлари мустақилликдан сўнг яна ўшандай катта имкониятларга эга бўлдилар.

Вилоятимизда қўли гул усталаримиз жуда кўп. Улар «Ҳунарманд» уюшмаси теварагида бирлашиб, халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдалар, барчага манзур қилмоқдалар.

Уюшмамизда 1997 йилда 30та аъзо рўйхатга олинган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 230дан ошиб кетди.

Уюшмамиз ҳар бир ҳунарманд ўз устахонасига эга бўлишида, зарур хом ашё, асбоб-ускуналар билан таъминланишида, тайёр маҳсулотларни сотишда яқиндан кўмак бериб келмоқда. Президентимизнинг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонида ҳам айнан шу ҳолатлар кўзда тутилган.

Ҳар йили икки марта — Наврўз ва Мустақиллик байрамларида ташкил этиладиган савдо кўргазмалари вилоятимиз ҳунармандлари учун ўзига хос ижодий, касбий ҳисобот, десак тўғри бўлади.

Ҳозирги кунда биридан бири гўзал ҳунар соҳиблари бўлган вилоятдошларимизнинг номлари, ҳатто юртимизда машҳур бўлиб кетди. Пскентда, Янгийўлда, Чиноз, Паркентдаги устозодаларнинг маҳоратига, айниқса, кўпчилик тақсинлар ўқимоқда. Агар номма-ном санайдиган бўлсак, вилоятда биринчи ўринни, Республика кўрик-танловида тўртинчи ўринни эгаллаган қибрайлик уста Илёс Зокиров, паркентлик бешиксоз Маъмуржон Аширбоев, чинозлик темирчи Б. Абдуллаев, ангренлик ёғоч устаси Абдуқодир Раҳимов ва бошқаларнинг қўли ила бунёд бўлган ноёб буюмлар ниҳоятда харидоргир саналади.

Устоз ва шогирд деган сўз ҳунармандлар орасида худди муқаддас қасамдек десам хато қилмайман. Ўзидан кейин яхши шогирд қолдирмаган устозода тарихимизда бўлган эмас. Буюк ҳунармандларнинг номини унинг иқтидорли шогирдлари асрлардан асрларга элтганлар, ишини фахр билан давом эттирганлар.

Вилоятимизда ҳам бугун деярли барча усталар ўз шогирдларига эгадирлар. Чинозлик темирчиларнинг, паркентлик чопончиларнинг, бешиксозларнинг тўрт-беш, ҳатто ўнлаб издошлари бор. Болаларнинг кун сайин ота-боболарининг азалий касбларига бўлган ихлоси ошиб бораётганини мамнунлик билан қайд этмоқ жоиз.

Хусусий ҳунармандчилик ўқув ишлаб-чиқариш марказимизда ҳам болаларга барча шароитларни яратяпмиз. Улар ўқиш билан бирга амалий машғулотларда ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Ҳар бир туманда ҳунармандчилик марказлари очишга катта эътибор бермоқдамиз. Айниқса, Паркент, Чиноз, Ангрен каби ҳунармандлар кўп жойларда туман марказий бозорларида махсус расталар очиш режамиз бор. Бу борада туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда, бамаслаҳат иш олиб бормоқдамиз. Сабаби, иш қуроли соз бўлса, иш жойи, яъни устахона обод бўлса, усталар ҳам хотиржам ишлайдилар. Бутун зеҳнларини, истеъдодларини касбларига берадилар.

Ўтган йили уюшмамиз аъзолари салкам 4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсалар, бу йилнинг дастлабки беш ойида 4 миллион 409 минг сўмлик маҳсулотни бозорга чиқардилар. Уюшмамизнинг ҳозир Арғинда ўз қароргоҳи бор. Лекин идорамиз бор экан деб бир ерда ўтириш ҳунарманд аҳлига ёт одат. Ҳар бир устанинг эҳтиёжини, заруратини ўрганиш, унга ўз вақтида кўмаклашиш — бош вазифамиздир.

Ҳунармандчиликни мен қуримас булоққа ўхшатаман. Неча-неча йиллар кўмилиб ётган мана шу халқ амалий санъати чашмалари мустақиллигимиз туфайли яна қайнаб чиқди.

Истиқлолимизнинг саккизинчи йилидаги режаларимиз ҳам салмоқли. Мустақил юртимизнинг довруғи, шон-шарафи халқимизнинг меҳнаткаш қўлларига боғлиқ. Бу борада ҳунармандларимиз ҳам ўзларининг энг яхши ишларини яратаверадилар. Улар мустақиллигимизнинг ёғочдаги, ганчдаги, нақшдаги, қўйинги, ҳар соҳадаги ажойиб қасидаси сифатида барчанинг дилига хушнудлик олиб кираверади.

Эргаш САФАРОВ,
вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси раиси.

ВАТАННИ АРДОҚЛАБ ЯШАЙМИЗ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» *йўқламаси*

ТОШКЕНТ тумани

БИЗ ўзбек аёллари шунинг учун ҳам фахрланамизки, ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир ой, ҳар бир йил бахту-саодатимиз, эрку-иқболимиз, манфаатларимиз учун хизмат қилаётгани кундай равшандир.

Аслида республикамиз Президенти ва ҳукумати мустақилликнинг илк кунлариданоқ биз хотин-қизларни эъзозлаб, ҳурмат-иззатимизни жойига қўйиб, асраб-авайлаб келмоқда. «Оила» йилига уланиб «Аёллар йили» эълон қилинганидан ҳар биримизнинг кўнглимизда юртимизга нисбатан меҳр-ихлос туйғулари мавжланди. Бу — табиийки, биз аёлларни эркаклар билан бир қаторда бурчимизни, қайси бир соҳада бўлмасин, зиммамиздаги вазифани садоқат билан адо этишга ундамоқда. Сир эмас, бутун жамиятимизда бўлганидек туманда ҳам ҳар бир тармоқда хотин-қизлар етакчи куч ҳисобланадилар.

Олайлик, асосий тармоқ ҳисобланмиш қишлоқ хўжалигида сабзавот, мева-чева, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан машғул фидойи инсонлар орасида 34 минг 991 нафарини аёллар ташкил этади. Шунингдек, маориф тизимида 3127, соғлиқни сақлашда 2921 нафар, раҳбарлик лавозимларида эса 78 аёл меҳнат қилмоқда. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида аёллар фаол қатнашибгина қолмай, ташаббускор сифатида ҳам бошқош бўлмоқдалар. Ҳам оилада, ҳам меҳнатда намуна кўрсатмоқдалар. Мустақиллик улар учун ўзларининг қобилиятлари, имкониятларини тўла намоён этиш, бойлик яратишга салмоқли ҳисса қўшиш учун кенг йўл очиб берди.

Агар аёллар нигоҳи билан қарайдиган бўлсак, мустақиллик йилларида қандай ўзгаришлар бўлганлиги, мустақиллик туманимиз аҳлига нима берганлиги ҳар жиҳатдан аён бўлади. Чунки республика миқёсидаги фармон ва қарорлар асосида белгиланадиган ҳар қандай истиқболли тадбирларнинг рўёбга чиқишида аёл рағбати, раъйи ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Гапни қишлоқ хўжалигидан бошлай қолайлик. Бу тармоқда ўтган саккиз йил давомида меҳнатни ташкил этишнинг жуда кўп усуллари синаб кўрилди. Охир оқибатда оилавий пудрат усули устувор эканлиги тан олинди ва деҳқонлар ана шу усулда фаолият кўрсата бошладилар. Ҳозирги кунда ҳар бир хўжаликда ўрта ҳисобда 300-500 пудратчи оилавий жамоалар меҳнат қилмоқда. Ютуқни кўпайтиришда оила мухитини белгиловчи аёлларнинг хизмати беқиёс бўлаётир. Оқибатда деҳқон бойимоқда, деккаи, хўжаликнинг иқтисоди ҳам мустаҳкамланмоқда. Деҳқон-фермерчилик ҳаракатини ташкил этишда бошида хатоларга, шошма-шошарликка йўл қўйилди. Бугунги кунда бу хаталарга барҳам берилди. Фермерлар сараланди. Ернинг қадрига етадиган, қишлоқ хўжалигига ихлоси юксак одамлар фермерлик қилмоқдалар, умумий бойликка салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Шу асосда ҳар йили сабзавот етиштириш режалари ортиғи билан бажарилмоқда. Картошка, ғалладан юқори ҳосил олинмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда меъёрий кўрсаткичлар сақлаб келинмоқда.

Бу ютуқлар замирида, табиийки, одамларнинг меҳнати ётади. Мустақиллик шарофати билан улар тўғрисида имконият даражасида ғамхўрлик қилиш учун ҳамма асослар яратилган. Модомики, аёллар ҳар бир соҳада фаолият кўрсатаётган эканлар, туман ҳокимлиги ҳукуматимиз кўрсатмаларидан, ғамхўрликларидан фойдаланиб, аҳолининг, шунингдек, аёлларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни ҳар жиҳатдан яхшилаш соҳасида талайгина ишларни амалга оширди. Бу энг аввало қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш тарзини яхшилашда, ободончилик ишларини кенгайтиришда, оилаларни томорқа ерлари билан таъминлашда, энг муҳими деҳқонларнинг ерга эгалик ҳуқуқини белгилаб беришда яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса, Охунбобоев номли, Ғиёс Умаров номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида бу соҳада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. «Тошкент» жамоа хўжалигида ўтган йили ишга туширилган спорт мажмуи қишлоқ ёшларининг севимли масканига айланиб қолди.

Биз аёлларга берилган минбардан фойдаланиб, туманимизда улар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинаётганлигини ҳам фахр билан таъкидламоқчиман. Зотан, атоқли мураббий Абдулла Авлоний «Ватансиз оила, оиласиз ватан бўлмайди. Жамиятдаги бу икки нарса бир-бири билан узвий боғланади ва бири иккинчисини тўлдиради», деб айтган эди. Шунинг учун ҳам биз ўз ишимизда, фаолиятимизда ота-боболар ўгитларига амал қилиб, энг аввало, ҳар бир оилада Ватан туйғусини шакллантиришга, уларга миллий тарбия омилларини сингдиришга, шу асосда давлатимиз ривожига юксак таъсир ўтказишларига ҳаракат қилмоқдамиз. Натижа ёмон бўлмаяпти. Ёшлардан етук, мустақил Ўзбекистонимизга сидқидилдан хизмат қиладиган, бутун жаҳонга танитадиган кадрлар етишиб чиқмоқда. Бунда биз кўраётган тадбирлар хусусан, «Ёшлар, оила ва маҳалла», «Ёшлар, оила ва мактаб» мавзуидаги учрашувлар, баҳслар ўтказилишига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бундай учрашувларда ўзининг бутун онгли ҳаёти, оилани тебратиш, фарзанд тарбиясидаги намунали ишлари билан ўрнак бўлган онахонлар, отахонлар, маҳалла оқсоқоллари қатнашадилар, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини айтадилар. Демак, туманимизда ҳар бир фуқаро шунчаки кун кечирмаяпти, миллий урф-одатлар, қонунларимизни, ҳуқуқларимизни фарзандлар онгига сингдириб боряпмиз.

Ёшларни, айниқса, қизларни оилага тайёрлаш борасида «Қайнонам — онам менинг, келиним — болам менинг», «Иқбол», «Қизлар даврасида», «Ҳаёт қувончлари», «Тўй либослари», «Остонаси тиллодан» каби тадбир ва кўрик-танловлар ўз моҳияти билан оилаларда комил инсонларни тарбиялаш, мустақилликни амалий ишлар билан ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Истиқлол қадриятларимиз сандиғини бизга ланг очиб берди. Кексаларни ардоқлаган эл муродга етгусидир, дейдилар. Туманимизда бир асрдан ортиқ умр кўрган кўплаб онахонлар яшайдилар. Улар, таъбир жоиз бўлса, йўқчиликни ҳам, тўқчиликни ҳам бошдан кечирдилар. Саломат ая Ҳамидова, Умри ая Имомназарова, Зеби ая Мусаева, Олтиной ая Эргашевалар бунга мисолдир. Биз ёнимизга ёшлар вакилларини олиб, уларни вақти-вақти билан зиёрат қилгани борамиз. Қутлаймиз, тадбиркор аёлларимиз совға-саломлар улашадилар. Бундай хайрли ишлар тез-тез амалга оширилади. Ҳар бир эзгу мақсад туманимиз, республикамиз ва табиийки, фарзандларимиз истиқболи учун рўёбга чиқади. Бу ўз навбатида иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда, туманимизнинг янада гуллаб-яшнаши, обод бўлишига, халқимиз турмуш даражасининг кун сайин яхшиланиб боришига хизмат қилади.

Шундай дориломон кунларнинг қадрига етайлик. Ўзимизнинг меҳнатимиз, бурчимизга садоқатимиз билан бундан буён ҳам эл-юртнинг бизга бўлган ишончини оқлайлик. Ҳусну-малоҳати, ғайрат-шижоати, ақл-фаросати билан лол қилувчи дилбар, лобар хотин-қизларимиз теран тушунади, бугун замонга бефарқ, лоқайд боқишга асло ҳаққимиз йўқ. Юртга меҳр-муҳаббат кўзи билан қарайлик, шундагина оламни янада мунаввароқ, янада ёрқинроқ кўрамиз.

Мастура ҚОРАБОЕВА,
Тошкент тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким муовини.

ОИЛА пудрати, деҳқончиликда меҳнатни ташкил этишнинг энг мақбул усули эканлигини ҳаёт исботлади. Бунга Охунбобоев номли жамоа хўжалигидаги Зиёдулла Файзуллаев бошлиқ пудратчилар фаолияти ёрқин мисолдир. Жамоада ҳар йили сабзавотдан юқори ҳосил олинади. Бу йил ҳам улар бир ярим гектар ерга экилган пиёздан баракали хирмон кўтардилар.

СУРАТДА: оила бошлиғи — пудратчи Зиёдулла ака фарзандлари Беҳзод ва Ихтиёрлар билан. Улар ҳосил чўғидан мамнун.

ТУМАНДАГИ «Ўзбек-Чехия» қўшма корхонасида халқ хўжалиги учун зарур бўлган сув насослари ишлаб чиқарилади. Нодир Каримбердиев раҳбарлик қилаётган бу корхонада ойига 10тагача насос тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

БУ ТУМАН ҳақида сўз борганда кўз ўнгимизда бепоён боғ-роғлар, бахмал далалар, сабзавот пайкаллари, буғдойзорлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бу ноз-неъматлар билан шаҳар аҳолисини таъминлаш туман меҳнаткашлари зиммасидаги энг масъулиятли вазифадир. Улар бу масъулиятни шараф билан уддалаб келмоқдалар. Ҳар йили эл дастурхонига 35-40 минг тонна сабзавот, кўплаб сархил мева, шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Мустақиллик йилларидан буён ғаллачиликда ҳам туман меҳнаткашлари пешқадам бўлиб келмоқдалар.

Дарвоқе, туманнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришлардан бири шуки, иқтисодий ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам бўй-басти билан намоён бўла бошлади. Меҳнатни ташкил этишнинг янгича усуллари таркиб топди. Деҳқонлар асрий орзуларига етдилар. Ерга эгалик қила бошладилар. Шунингдек, 40дан ортиқ деҳқон-фермерлар фаолият кўрсатмоқда.

Туманда қўшма корхоналар йилдан-йилга кўпайиб, улар етиштириб бераётган маҳсулотларнинг салмоғи ортиб бораётир. Қисқаси, туманда иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда яхши натижаларга эришилаётир. Бу ўзгаришлар моҳиятини аёллар нигоҳи билан талқин қилишга жазм этдик.

ИСТИҚБОЛ - БИЗНИКИ

ДЕЙДИЛАРКИ, Ватан остонадан бошланади. Ҳақиқатан ҳам остонанинг саранжом-сариштaлиги, поклиги, озодалиги, файзи — сен яшайдиган худуднинг кўркамлиги, ободлигидир. Бунинг учун энг аввало, аёллар хизмати беқиёсдир. Ватан ободлиги — аёл шодлиги, кўнгилларининг хушнудлиги, кайфиятининг чоғлигидир.

— Шундай эмасми, онахон?

Узоқ йиллардан буён Охунбобоев номли жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлаб, эл бойлигини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, беш нафар фарзандни тарбиялаб, уйли-жойли, комил инсонлар қилиб етиштирган, эл-юрт ўртасида обрў орттирган Муҳаббат ая Соатова бу саволни кутмаган эканми, ҳаёлга толдилар.

— Узр, — дедилар бироздан сўнг, — саволингизни эшитиб, хаёлим қочди. Шўролар давридаги деҳқоннинг туриш-турмуши-ю, аҳволини кўз ўнгимга келтира бошладим. Осон бўлмаган эди ўшанда. Эрта-кеч, тиним билмай меҳнат қиладигу, жуда кам рағбат кўрардик. Алам қиладигани — ўзимиз етиштирган маҳсулотга ўзимизнинг ҳаддимиз сиғмасди. Тушунтириброқ айтадиган бўлсам, режани ошириб бажариб қўйган бўлсак ҳам даладан ўзимизга керакли егулик маҳсулотни бир энлик рухсат қоғозисиз олиб кетолмасдик.

Мустақил бўлганимиздан сўнг буларнинг ҳаммаси барҳам топди. У пайтларда бизга «уни экасан, буни экасан, бунча ҳосил берасан» деб қатъий режа қилиб беришарди. Айтилган экинларни ер хоҳлайдими йўқми, бу билан ишлари йўқ. Энди эса хўжаликнинг раҳбарлари, тажрибакорлар билан маслаҳатлашиб, бозори чаққон, харидоргир экинларни экишни, қайси далага, қайси экинни жойлаштиришни ўзимиз ҳал қиламиз. Шунинг учун ҳам ҳосилимиз мўл, даромадимиз баракали бўляпти.

— Даромад ҳақида яхши гап очдингиз, у пайтларда ўзларингизнинг пешона терларингиз билан топилган маблағга ўзларингизга керакли иморат учун бир ғиштни ҳам юқорининг рухсатисиз қўя олмасдинглар.

— Нимасини айтасиз, — деди онахон, — хўжалигимизда режа орқасидан қувилиб, курашиб, бирор ерга мактаб, ёки касалхона қурилмаган.

Ҳайриятки, мустақил бўлганимиздан сўнг бу борада ҳам ҳамма имконият, ҳуқуқ хўжаликнинг ўзига бериб қўйилди. Мутасаддиларимиз, раисимиз Искандаржон барака топсин, ўзи елиб-югуриб, керакли ташкилотлар билан учрашиб, ҳатто, лойиҳасини ҳам ўзлари чизишиб, катта замонавий услубда, ҳамма қулайликларга эга бўлган мактаб, болалар боғчаси қурилди қисқа вақт ичида. Ҳозирги кунда эса 110 ўринли туғруқхона қурилмоқда.

Юртбошимизнинг Фармонлари асосида уй-жой муаммоси ҳам ҳал бўлди ҳисоб. Илгари битта ҳовлида, битта ҳонадонда уч-тўрт келин истиқомат қиларди. Ҳаётда, уларнинг ўртасида келишмовчиликлар бўлиб турарди. Ахир халқимиз бежизга айтмаган бирга туғилмоқ бор, бирга турмоқ йўқ, деб. Ҳозирги кунда далага чиқиб ишлайдиган одам борки, уйли-жойли, томорқали бўлмоқда.

Бундай ғамхўрликларга жавобан биз аёллар астойдил меҳнат қиляпмиз. Фарзанд тарбияси билан шуғулланишдан ташқари хўжалик ишига қўлдан келганча ҳисса қўшмоқдамиз. Шунга яраша бизни руҳлантиришяпти, ардоқлашяпти. Яқинда 50 нафар аёлларга бош бўлиб Самарқанд ва Бухорога бориб, тарихий жойларни кўриб, азиз-авлиёларнинг мозорларини зиёрат қилиб қайтдик.

Қадриятларимиз тикланиб, ўзимизни англаб олганлигимиздан беҳад мумнунмиз. Фарзандларимиз учун ҳамма имкониятлар яратиб берилгани, улар хоҳлаган касбларини танлаб, хоҳлаган илмгоҳларига кириб ўқишга муяссар бўлаётганликларини айтмайсизми. Ҳатто, чет элларга бориб, ўқиб келишяпти. Хуллас, гапираман десам гап кўп. Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофати.

...Муҳаббат ая Соатова деҳқончиликда, ободончилик соҳасида бизга ўзи меҳнат қилаётган хўжалиги мисолида гапириб берди. Аслини олганда бундай мисолларни тумандаги ҳар бир хўжаликдан, ҳар бир ҳудуддан келтириш мумкин. Бу ҳақда ўйлар экансиз, кўнглингиз яйрайди, дилингиз қувонади. Беихтиёр, «Яшасин мустақиллик!» деб айтгингиз келади.

Носир РИХСИЕВ.

МЕН — ТАДБИРКОРМАН

ЭСИМНИ танибманки, савдо соҳасида ишлайман. Мустақил бўлганимиздан сўнг эса ўзимиз ишлаб турган дўконни хусусийлаштириб олдик. Ўшанда тўрт киши меҳнат қилардик. Ҳозир 43 кишига етдик. Ҳамма ишчиларимиз ўзимизнинг тумандан. Хусусий магазинимизга яхши ният билан «Хайрулла» деб ном берганмиз. Бизни ҳокимлик ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турипти. Шу сабабли янги иш жойлари очдик. 35 ўринли ошхона ишлаб турипти. Озиқ-овқат савдоси турлари кўпайди, янги бино қурдик. Автомашиналарни таъмирлаш устахонасини ҳам очганмиз. Бу ерда саккиз киши ишлайди. Ўтган йили фирмамиз қошида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехни ҳам ишга туширганмиз.

Мустақиллик берган имкониятлардан унумли фойдаланиш учун астойдил ҳаракат қиламиз. Келгусидаги режаларимиз катта. Макарон ва вермишел маҳсулотларини ҳам ўзимизда ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз.

Фирмамиз иш фаолиятидан жамоадагилар мамнун. Чунки, ойлик маошлари савдога қараб ошиб боряпти. Биз хайрия ва саховат ишларидан ҳам четда қолмаймиз. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериб турамиз. Халқимизда ўнг қўлинг берган хайрияни чап қўлинг билмагани маъқул, деган нақл бор. Шунинг учун бу соҳадаги саховатимизни аямаймиз. Туман бўйича ўтказиладиган хайрия тадбирларида ҳам фаол қатнашиб турамиз.

Манзура УМАРОВА,
«Хайрулла» фирма дўкони раҳбари.

СУРАТДА: Манзура Умарова шогирдлари (ўнгдан чапга) Маъмура Одилова ва Гулнорахон Абдуҳолиқовалар билан. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҚОН-ҚАРДОШИМ — ЎЗБЕГИМ

КОНУН — ҳамма учун баробар. Бизнинг мамлакатда аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқлидир. Шўролар даврида бундай гаплар тез-тез такрорланиб турарди. Лекин, буларнинг ҳаммаси оғизда ва қоғозда эди.

Мустақил давлатимизнинг Конституциясида инсон жинси, миллати, ирқи, элати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсидан қатъий назар қонун олдида тенгдир, деб ёзиб қўйилган сўзларга мана энди чиндан ҳам амал қилинмоқда. Буни бизнинг мактабимиз жамоаси ва бу ерда олиб борилаётган ишлар мисолида яққол кўриш мумкин. Туманда бўлганидек, жамоамизда ҳам, энг аввало, байналмилал тарбияга алоҳида эътибор берилмоқда. Катта-катта байрамлар, тантаналарда ўтказиладиган тадбирларга миллатлар дўстлиги файз бериб туради. Туманимиздаги бешта қозоқ тилида ўқитиладиган мактаблардан биттаси Кўксарой фуқаролар йиғини худудида жойлашган бизнинг мактабимиздир. Вақти-вақти билан ана шу мактаблар ўртасида ҳар хил мавзуларда мусобақа, кўрик-танловлар ўтиб турипти. «Сиз қонунни биласизми?», «Аёл билан олам мунаввар», «Спорт мусобақалари — Алпомиш авлодлари» ва ҳоказо тадбирлар. Хотира ва Қадрлаш кунида барча миллат халқлари қатори истиқлол, озодлик, тинчлик учун курашган, уруш ортида хизмат қилган қозоқ миллатига мансуб отажону-онахонлар ҳам муносиб тақдирландилар, қадрландилар. «Намунали, ибратли оила» кўрик-танловида С. Иброҳимовлар оиласи ғолиб чиқди. «Тўй либослари» кўрик-танловида қизимиз Гулжон Аҳмедованинг иштироки кўпчиликни ҳаяжонга солди, қувонтирди. Мактабимизда 38та синф бор. Шундан 18таси қозоқ синфи ҳисобланади. Улар дарсликлар билан тўлиқ таъминланган, ўқувчилар ўз она тилларида таълим оладилар. Тадбирларни, маросимларни ўз тилларида ўтказадилар.

«Таълим қонуни» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга оширишда ҳам мактабимизда бирмунча ишлар қилинди. Қозоқ синфи ўқувчилари она-Ватанимиз — Ўзбекистон тарихини ўз тилларида ўрганяптилар. Лотин ёзувидаги ўзбек тили дарси қозоқ синфларида фан сифатида ўқитилмоқда. Катта-катта тадбирларни давлат тилида олиб бора оламиз. Ўзбек синфлари билан баб-баробар кўрик-танловларда иштирок этамиз.

Истиқлол бизни қон-қардошлик йўлидан дадил бориб ўзбеклар билан тенг ҳуқуқда, баробар меҳнат қилиб, эл-юрт равнақига ҳисса қўшишимизга ундайди.

Жамила БЕКСУЛТОНОВА,
3-қозоқ мактаби директори.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

АЁЛЛАР соғлиғини муҳофаза қилиш, демакки, соғлом авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Биз ҳам бу улуғ мақсадни босқичма-босқич руёбга чиқариш учун қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Энг муҳими туғруқхоналарнинг ишини ташкил этиш ва уларнинг тизимини қайта ўзгартиришга катта аҳамият берилмоқда. Буни туманимиз акушерлик мажмуи мисолида кўришингиз мумкин. Мутахассислар, тажрибакорлар билан биргаликда ишлаб чиқилган тадбирлар асосида она ва болаларда юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида энг биринчи навбатда туғруқ залларини кўпайтириш чоралари кўрилди. Бундан ташқари, ҳар бир туғруқ алоҳида залларда олиб борилади. Акушерлик ва перинатологиянинг замонавий усуллари қўлланилмоқда.

Маълумки, қадимдан бизда бола туғилиши билан она сути эмизилган ва бу иш икки-уч ёшгача давом эттирилган. Шўролар даврида, минг афсуски, бу удум атайлаб бузилди. Янги туғилган чақалоқлар икки-уч кундан кейингина аралаш сут билан озиқлантирилди. Ахир она меҳри сут билан киради-ку! Биз қадимий удумни тиклаш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Бола эрта эмизилади. Онаси билан биргаликда ётқизилади. Аёлларни обдон соғломлаштириб сўнгра уйларига рухсат берамиз.

Туманимизда туғруқ ёшидаги аёлларга малакали акушер-гинекологлар хизмат қилмоқдалар. Бу ўз самарасини кўрсатмоқда. Ўлим камайди, болалар соғлом ўсмоқда.

Сожида ТЎЛАГАНОВА,
туман акушерлик мажмуи бош шифокори.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Воқеалар тўлқинида

● 14 ИЮНДА Америка Қўшма Штатлари халқлари АҚШ давлат байроғи кунини кенг нишонлади. Мазкур ялов 1777 йилнинг 14 июнида Филадельфияда бўлган иккинчи минтақавий конгресс иштирокчилари томонидан расмий равишда тан олинган эди.

● СТРАССБУРГ шаҳрида Оврупо Иттифоқи мамлакатларидаги минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятлар конгрессининг сессияси ўз ишини давом эттирди.

● БРАТИСЛАВАДА Словакия президенти Рудольф Шустернинг ўз амалини расмий равишда адо этиш — инагурацияга бағишланган маросим бўлиб ўтди. 65 яшар Р. Шустер мамлакат тарихида биринчи бор яқинда ўтказилган президент сайловида ғолиб чиққан эди.

● ГРУЗИЯ президенти Эдуард Шеварднадзе 2000 йилнинг баҳорида бўладиган президентлик сайловларида ўз номзодини қўяжаклигини расман маълум қилди.

● ЎТГАН сешанба куни Озарбайжон халқи Қутқарув кунини тантанали равишда байрам қилди. Баайни ўша кунда — олти йил муқаддам давлатнинг ҳозирги раҳбари Ҳайдар Алиев раҳбарият тепасига келган эди.

● КОРЕЯ Халқ Демократик Республикаси билан Жанубий Корея ҳарбий денгизчилари ўртасидаги можаролар тобора кескинлашиб бормоқда. Сариқ денгиздаги икки мамлакатнинг чегаралари оралиғидаги минтақага балиқ овлаш учун кирган Шимолий Корея кемаларини сиқиб чиқаришга уринилганидан сўнг отишмалар бошланиб кетди. Оқибатда КХДРнинг бир кемаси чўкиб кетди, учтасида ёнғин чиқди. Жанубий Кореянинг етти нафар денгизчиси яradор бўлди.

МАРТАБА МУБОРАК, МБЕКИ!

АЙНИ КУНЛАРДА Жанубий Африка Республикаси президенти Нелсон Манделанинг вориси бўлган Табо Мбекини давлат арбоблари, сиёсатчилар, турли хил ташкилотларнинг раҳбарлари, қолаверса, халқ вакиллари қизғин қутлаб «Мартаба муборак, Мбеки!» демоқдалар. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки, Жанубий Африка Республикаси Миллий Ассамблеяси депутатлари яқинда Кейптаун шаҳрида бўлиб ўтган ўз мажлисида Африка Миллий Конгресси раҳнамоси Табо Мбекини мамлакатнинг янги президенти этиб сайлади. Шу тариқа ЖАРнинг айни пайидаги раҳбари, ирқчилик тузумига қарши курашган таниқли сиёсатчи Н. Манделанинг яқин сафдошларидан бири мамлакат бошқарувини ўз қўлига олди.

Ушбу мамлакатнинг сайлов тўғрисидаги Қонунларига кўра давлат бошлиғини парламент сайлайди. Африка Миллий Конгресси парламентда 400 ўриндан 266тасини қўлга киритгани учун Президент айнан шу партиядан бўлиши табиий эди. Давлат бошлиғи лавозимига фақат бир кишининг — мазкур партия етакчиси Табо Мбекининг номзоди қўйилди. Бироқ, бу бошқа номзодлар кўрсатилишига йўл берилмаганини англатмайди. АМК вакилларининг кўпчилик овозга эгалиги бошқа партияларнинг мамлакат президенти лавозимига номзод кўрсатишдан тийилишига сабаб бўлди, холос.

Янги президент олдида муҳим вазифалар турипти. У Н. Мандела томонидан бошланган ярашув сиёсатини давом эттириши ва бу йўналишни янги мазмун билан бойитиши лозим. Кўпчилик шарҳчиларнинг фикрига қараганда, Т. Мбекининг давлат бошлиғи этиб сайланиши мамлакатнинг ирқчилик тузумидан сўнг бошланган жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёни янада жадаллик билан давом эттирилишидан дарак беради. Янги президентнинг ўзи истиқболда амалга ошириладиган жараёнга «Африка ренессанси» деб ном берди.

КИТЛАР ЁРДАМГА МУҲТОЖ

БРАЗИЛИЯ ҳукумати ажойиб ташаббус билан чиқди. Бу ерда — Жанубий Атлантика минтақасида уммонларнинг энг савлатдор махлуқоти — китларни авайлаб-асраш бўйича махсус қўриқхона ташкил этиш саъй-ҳаракати бошланмоқда. Китлар сонининг йилдан-йилга озайиб бораётгани шундай тадбирни қўллашга ва махсус ҳужжат қабул қилишга сабаб бўлди. Мамлакатнинг атроф-муҳит ва сув заҳираларини муҳофаза қилиш вазири Жозе Сарней Филю Бразилиянинг Жанубий Америкадаги энг яқин савдо ҳамкори — Аргентина эканини айтиб, ушбу мамлакат ҳукуматини ҳам китларни сақлаб қолиш борасидаги фаолиятга кўшилишга даъват қилди.

БОЛАЛАР ДАВЛАТ ОҒУШИДА

ЯҚИНДА Швецияда ўзига хос бир анжуман бошланди. Стокгольмдаги бу йиғин Оврупо Кенгаши шафелигида ўтди. Анжуманда Оврупо мамлакатлари ҳамда халқаро ташкилотлардан жуда кўплаб вакиллар иштирок этдилар.

Оила ва болалик муаммоларини бартараф этишга бағишланган мазкур йиғинда болаларга таълим-тарбия беришда давлатнинг ўрнини кенгайтириш, ўсмирларни оғир меҳнатга жалб қилишдан ва жанговар ҳаракатларда қатнашишдан озод этиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

АВВАЛ ВАФО, КЕЙИН ВАБО

ГАНА пойтахти — Виндхукда баданда иммунитет танқислиги синдроми (СПИД) муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ўз ишини давом эттирди. Унинг Африкада, хусусан, Ганада ўтказилаётганига асосий сабаб айнан шу қитъа ва шу мамлакатда «XX аср вабоси»га чалинганлар сони тобора ортиб бораётгани бўлди.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига қараганда, ҳозирги пайтда Ганада 600 минг киши СПИДга чалинган ва 2005 йилга бориб, гиёҳвандлар сони 1,2 миллионга етиши мумкин. 1997 йилда бу дард туфайли дунё бўйича 2,3 миллион киши нобуд бўлган бўлса, 1998 йилда бу кўрсаткич янада кўпайди. Қурбонларнинг 90 фоизи Африка мамлакатлари ҳиссасига тўғри келди.

Бу дунёнинг ИШЛАРИ

● ЖАҲОННИНГ турли мамлакатларида тиланчиликка қарши курашга бағишланган ўзига яраша қонун-қоидалар бор. Лекин, Саудия Арабистонида бу масала жуда қатъий қилиб қўйилган. Яқинда ушбу мамлакатда 13 мингдан зиёд тиланчи ҳибсга олинди.

Мамлакат қонунларига биноан тиланчилик қилиш расман ман этилмаган бўлса ҳам ҳар йилнинг баҳор ва ёз ойларида «кўл чўзиб турувчи»ларни оммавий равишда ҳибсга олиш одат тусига кириб бормоқда. Маъмурий идоралар вакилларининг айтишича, бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, четдан келган гадойлар подшоҳлик ҳудудига кириб олиб, Ҳаж сафарига келганларнинг кўнгилчанликларидан фойдаланмоқдалар. Иккинчидан, тиланчиликдан келаётган фойда ҳаддан ташқари кўпайиб кетаётир. Ўтказилган текширувлар ҳозирги кунда гадойларнинг бир кунлик ўлжаси юзлаб АҚШ долларидан ошиб кетаётганлигини кўрсатмоқда.

● ҲАФТА бошида Россиянинг контрразведкачилари Лубянка деб аталадиган манзилга келдилар. Чунки, бу ерда узоқ йиллардан бери Давлат Хавфсизлик Қўмитаси (КГБ) қароргоҳи жойлашган. Бу сафар жосуслик касбининг раҳбарлари ва усталари бу ерда 15 йил КГБ раиси, кейинроқ КПСС Марказий Қўмитасининг Бош котиби бўлган Юрий Андропов таваллудининг 85 йиллигини нишонладилар. Ю. Андропов ворислари ўз «устоз»лари сиймоси сурати олдига гулчамбарлар қўйдилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТЕЛЕ кўрсатувлар диспути

ДУШАНБА, 21

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Амир Темур дурдоналари», «Шарқ зарчашмаси».
9.15 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Куй ва тасвир».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.35 Кундузги сеанс: «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
12.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.25 «Қўшиққа кўчган сатрлар». А.Пўлатов.
13.00 «Оламга саёҳат».
13.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
14.10 — 14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Дўстлик» (Тошкент вилояти)
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.25 Болалар учун. «Орзулар қанотида».
18.45 «Оққан дарё оқаверади».
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббатни қуйлайман». И. Жўраев.
21.35 «Футбол майдонларида».
21.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 57-қисм.
22.40 «Маънавият» дастури.
23.40 «Ахборот».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Қувноқ учрашув», мультфильм)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот. дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «О, ёшлигим».
19.55, 20.20, 22.55 Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Душанбада кўришгунча».
21.50 «Маслаҳат».
22.20 Олам футболи.
22.40 Шарқ эстрадаси.
23.00 Синема. «Амакиваччам Винни».
01.00 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун»
18.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 «Телефакт».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.10 «Чин қалбдан».
22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Бинафша».
*
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
*
17.00 «Жонли сайёра».
*
17.15 «Куйини топинг».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Тўрт эпчил ака-укалар». 1-қисм.
18.00 Клип-антракт.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Мавзу».
18.45 «Ҳаёт сўқмоқлари». Телесериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «ТВ-4да Немис тўлқини».
21.45 «Таҳдид» (рус тилида).
22:00 «Вести»
22.30 Кинематограф: «Муҳаббат ҳамиша ғолиб». Бадиий фильм.1-2 сериялар.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 23

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Меҳригиё».
8.50 «Ўзбекистон бастакорлари».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.25 Абитуриент-99. Адабиёт.
10.50 Абитуриент-99. Кимё.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
11.15 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.30 «Санъат гунчалари».
12.05 «Ёзувчилар — болаларга».
12.40 Кундузги сеанс: «Олти жаҳонгашта». Бадиий фильм.
13.45 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
14.10 «Адолат мезони»
14.30-14.55 «Телевидение — сиз учун!».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Сени Ватан кутади».
18.30 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
18.45 «Битик».
19.05 «Қонун ва ижро».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим- тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Келажаги буюк Ватаним». О. Орифжонов.
22.00 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм. —
22.35 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 58-қисм.
23.25 «Ахборот».
«Тунги ҳамроҳ».
23.55 «Янги авлод».
00.20 «Газалхон ёшлигим».
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Спорт майдончаси», «Уйна, болажон, ўйна»).
18.35 «Мусиқий лаҳза».
18.40 «Болалар дунёси».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ракурс». Миллий эстрада муаммолари ҳақида.
19.55 «Дил рози». Мусиқий дастур.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.15 Эълонлар.
20.35 «Осойишталик фидойилари».
20.50 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 Рақслар қанотида.
21.55 «Мени афсона қилманг».
22.10 Танишинг: Қудрат Ҳакимов.
22.25 Синема. «Есения».
00.20 «Хит-коллекция».
00.40 «Хайрли тун!».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Ҳалфона».
18.25 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.15 «Глинка-44».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Саодат калити».
22.05 Эстрада концерти.
22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15:10 «СНН.Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «Спорт-клуб».
*
17.15 «Маски-шоу».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Шиша ичидаги жин». 1-қисм.
18.00 Клип-антракт.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Инсон ва қонун».
18.45 «Ҳаёт сўқмоқлари». Телесериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20:35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21:25 «Оламда нима гап?».
21.30 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар мукофоти антологияси-1977 йил».
22.50 Кинематограф: «Рокки». Бадиий фильм. Бош ролда Сильвестр Сталлоне.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 24

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Кўшиқ билан кўраман оламни». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 58-қисм.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Жавоҳирлар ҳазинаси». Адабий кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Абитуриент-99. Она тили.
10.55 Абитуриент-99. Математика.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
11.15 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.30 «Қувноқлар даврасида».
12.05 Кундузги сеанс: «Болажон қиз». Бадиий фильм.
13.25 «Сайқал».
13.45 «Турон қизлари». Спорт дастури.
14.10 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий -публицистик кўрсатув.
14.35-15.00 «Инсон ва замин». Тележурнал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳа,Ҳа, Ҳа...». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.30 «Солиқ ва назорат».
18.50 «Экран куйлари».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Узбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Назм ва наво». Амирий лирикаси.
22.20 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
23.00 «Сомон йўли».
23.30 «Ахборот».
24.00 «Колонна». Бадиий фильм.1-серия.
01.05-01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 58-қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ёшлик формуласи».
19.50, 20.15, 23.10 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.20 «Давр»-интервью.
20.30 «Ватан манзаралари».
20.45 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни куйлаймон».
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 «Бегойим».
22.05 Охунжон Мадалиев куйлайди.
22.25 «Мутойиба».
22.50 «Мусиқий глобус».
23.15 Синема. «Танк».
00.55 «Спорт қитъаси».
01.25 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалб ардоғида». Ғанижон Тошматов.
21.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.00 «Мулоқот». Қиска метражли бадиий фильм.
22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар
23.55 «Кинонигоҳ».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дил изҳори».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «Бу ажиб дунё».
*
17.15 «Куйини топинг».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Шиша ичидаги жин». 2-қисм.
18.00 Клип-антракт.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Эслашлари учун...». Наталья Вилькина. Кўрсатувни. Л. Филатов олиб боради.
18.45 «Ҳаёт сўқмоқлари». Телесериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «СНН -шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Тошдаги достон». Бадиий фильм. Бош ролда М. Дуглас.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 25

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Юртим жамоли».
8.50 Фольклор-этнографик ансамбллари танлови ғолибларининг концерти.
9.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Зийнат».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Абитуриент-99. Физика.
10.50 Немис тили
11.20 Абитуриент-99. Биология.
*
11.45 «Инсон ва қонун»га хатлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
12.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.
12.40 Кундузги сеанс: «Таня ва икки мушкетер». Бадиий фильм.
13.30 «Сомон йўли».
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30 «Ўзбекистон фуқароси».
14.50-15.15 «Саҳна ҳаёти».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Бадиий академия кўргазма заллари бўйлаб».
18.45 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.45 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси». Мусиқий дастур.
21.50 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
22.25 «Баркамол авлод орзуси».
22.50 «Кинонинг минг бир олами». Кинокўрсатув.
23.10 «Ахборот».
23.40 «Колонна». Бадиий фильм. 2-серия.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Китоб жавони», Мультфильм)
18.40 «Қизим, сенга айтаман...».
18.50 Кўнгил наволари.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50 «Жаҳолат бекати». Ҳалқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига.
20.05, 20.30, 22.45 Эълонлар.
20.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.35 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.50 «Наволарда аён этсам...». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Саломат бўлинг». Телешоу. Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига.
22.15 «Автосалтанат».
22.30 «Жаҳон эстрадаси».
22.50 Синема.
00.50 «Мунаввар тонг истаб...».

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Туризм ҳақида».
11.40 «Фаровонлик бекати».
12.05 «ТВ ва театр».
12.30 «Кинонигоҳ».
14.10 «Ёшлар ҳудуди».
14.40-14.50 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.10 «Кулишни унутманг». Дам олиш дастури.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жума оқшоми».
21.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Рақслар жилоси».
22.15 «Катталар учун эртак».
22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
23.45 «Тунчироқ».
00.15 Оҳанглар ва эълонлар.
00.25 «Кинонигоҳ».
02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15:10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «ТВ-4 да немис тўлқини».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «СНН- шоу».
*
17.15 «Жентльмен-шоу».
*
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Жасур тикувчи». 1-қисм.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
18.10 Клип-антракт.
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 «Махфий дипломатия». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри: «Қойилмақом еттилик».
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 26

«Ўзбекистон» телеканали.

Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишланган узлуксиз телекўрсатувлар дастури.
6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.55 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.20 «Ҳидоят сари».
9.50 «Телевизион миниатюралар театри».
10.30 «Шаҳар — бедарвоза эмас».
10.50 «Кўзгу».
11.15 «Бўрилар». Бадиий фильм.
12.20 «Сўнги пушаймон».
12.45 «Ғаниматбил дунёни». Мусиқий дастур.
13.25 «Саломат бўлинг».
13.45 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
14.05 Болалар учун. «Гулгунчалар».
14.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зулмат салтанати».
15.00 «Ринг». Спорт дастури.
15.35 «Тафаккур оғуси».
16.00 «Шумтакалар». Мультсериал.
16.30 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
16.55 «Муҳаббат бошимдан кетмасин». Мусиқий дастур.
17.35 «Билмайин босдим тиканни...».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.25 «Эл тинчлиги йўлида».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёвуз кулфат изидан».
21.45 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
22.45 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.55 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 57-қисм.
10.35 «Ёшлар» телеканалида.
10.40 «Сурур». Мусиқий дастур.
10.55 «Муносабат».
11.15 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
12.05 «Маслаҳат».
12.35 Сиз севган хонанда: Равшан Комилов.
12.50 «Эркин фикр».
13.20 «Рамаяна». Телесериал.
13.55 «Баҳс».
14.20 Рақслар қанотида.
14.40 «Тарзан». Телесериал.
15.20 «Саломат бўлинг».
16.00 «Эски альбомдан».
16.15 «Мафтункор чеҳралар».
16.30 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Болалар дам олиш масканларида»)
18.20 «Эски альбомдан».
18.25 Кинотақдим.
18.45 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
18.50 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 23.10 Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес академия».
20.55 Мусиқий лаҳза.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Истиқлолни куйлаймон».
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 «Мусиқа теграсида».
22.00 «Баҳс, мунозара, таҳлил». Ҳалқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига.
22.25 «Эски альбомдан».
22.30 Кутилмаган меҳмон.
22.55 «Ер ишки». Мусиқий дастур.
23.15 Синема. «К-9» командаси.
01.00 Шарқ тароналари.
01.20 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 Болалар учун. «Ҳалфона».
9.55 «Табиат шифохонаси».
10.10 Болажонлар экрани.
11.40 «Таянч».
12.00 «Ибрат».
12.20 «Бева Бланка». Телесериал.
13.05 «Ёшлар кўчасида».
13.25 «Дўстлик» видеоканали: «Сахий хонадонда», «Бизнен мерас».
14.10 «Қалб ардоғида». Ғанижон Тошматов.
14.35 «Кинонигоҳ».
16.15 -16.40 «Спорт-тайм».
*
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.05 «Мисли гавҳар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилидла)
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хотира — қалб чироғи».
21.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
22.20 «Беллашув». Телефильм.
22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
22.45 «Тасанно».
23.20 «Бувимнинг сандиғи». Телефильм.
23.30 «Тунги пойтахт». Ахборот-дам олиш дастури.
24.00 «Даллас». Телесериал.
00.50 Оҳанглар ва эълонлар.
01.00 «Кинонигоҳ».
02.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф: «Тошдаги достон». Бадиий фильм
11.30 «Жонли сайёра».
11.45-12.30 «Биргаликда куйлаймиз».
***
16.30-17.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Бинафша».
*
Россия жамоат телевиденнеси.
17.55 «Кумушранг серия». Гойко Митич ва Барбара Брильска «Лочин изи» саргузашт фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
*
22.15 Монте-Карлодаги қўшиклар фестивали. 1-қисм.
23.15 «Дил изҳори».
23.25 Кинематограф: «Бадди». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 27

«Ўзбекистон» телеканали.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
8.50 Ёш хонандалар концерти.
9.15 «Гаройибот».
9.30 «Бўстон». Тележурнал.
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Талабалик йилларим».
*
11.20 «Ёзувчи ва замон».
11.40 «Мус-ринг». Телешоу.
12.20 «Шоҳруҳ» клуби.
12.50 «Эл тинчлиги йўлида».
13.15 «Мозийдан бир мўъжиза».
13.30 «Келин-киёв». Телешоу.
14.40 «Сўзга сиғинган умрлар».
15.00 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.40-16.00 «Фермер». Телетанлов.
*
17

Саломатлик — туман бойлик

МАҚСАДИМИЗ — ЭЗГУЛИК

АВВАЛО, бир ният: ҳеч ким дардга чалинмасин. Лекин, ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Иссиқ жон. Бирон ҳасталик безовта қилса, коримизга дўхтирлар ярайди. Уларнинг очиқ чеҳралари, ширин сўзлари, муолажаларидан шифо топамиз. Касалликдан фориғ бўлгач, кўзимизга олам яна ёруғроқ, нурлироқ кўринади. Нажоткорларга дилимизда чексиз меҳр уйғонади.

Ана шу фидойи кишилар хизмати хусусида биз вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор А. СОДИҚОВга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Абдувоҳид Содиқович, ўтган бир йил ичида рўй берган ўзгаришлар хусусида гапириб бersангиз.

— Бажонидил. Бу вақт оралиғида соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалар моддий базаси янада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидламоқчиман. Хусусан, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари туфайли қатор даволаш масканлари тўлиқ таъмирланди. Жойларда тез ёрдам бўлимлари 98та «Дамас» русумли машиналарга эга бўлди. Қишлоқ поликлиникалари, амбулатория қошида кундузги муолажа хоналари кўпайтирилиб, ўринлар сони 4600тага етказилди. Марказдан олис қишлоқларда иш бошлаган 64та қишлоқ шифокорлик пунктлари ёнига яна 10та қўшилди. Улар малакали дўхтирлар билан мустаҳкамланди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори асосида ҳам амалий ишлар қилинмоқда. Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилашнинг ягона тартиби жорий этилди. Айни пайтда бу иш бошқарма мутахассислари томонидан назоратга олинган бўлиб, шифохоналар даволаш учун зарур дори-дармонлар билан вақтида таъминланяпти.

Юртбошимизнинг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони соғлиқни сақлаш ходимларининг айрим тоифаларига кўрсатилган навбатдаги ғамхўрлиги бўлди. Унга кўра, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассислар бўйича камида 10 йил стажга эга бўлган ҳолларда тўлиқ миқдорда пенсия олаверадилар. Вилоятда 23337 нафар ҳамшира аҳолига хизмат кўрсатаётгани назарда тутилса, неча юзлаб ўрта тиббиёт мутахассислари учун бу фармон ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам ижтимоий йўналишда қўшимча катта имкониятлар яратиб бергани янада равшанлашади.

— Ҳамкасбларга айтадиган истакларингиз ҳам бўлса керак?

— Албатта. Мен бугунги кунда эл соғлиғи йўлида астойдил хизмат қилаётган 5400дан зиёд шифокорларни, олимларни, барча ҳамшираларни, соҳамизга даҳлдор ҳамма-ҳаммага мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, ишларида омад тилайман.

Суҳбатдош: Саидвали ҲАСАНОВ.

Таъзим сизга, устозлар

ҲАБИБИМСАН, ТАБИБИМ

АЙТИШЛАРИЧА, инсоннинг яхши фазилати, тиниб-тинчимаслиги, меҳр-оқибатлилиги, муҳими, қиладиган ишига садоқати унга ота-онасидан мерос бўлиб ўтаркан. Мевали дарахтнинг ҳосили фақат тагига тушади, деган нақл ўшандан қолган бўлса, ажабмас. Тошкентдаги Эшонгузар маҳалласида истиқомат қилган Садриддин домла замонасининг зиёли, ўқимишли, билимдон кишиларидан эди. Домла узоқ йиллар давомида вилоятимизнинг Қибрай туманида, Бухоро вилоятида халқ маорифи тизимида ишлаб, ёшларга сабоқ берганлар. Республика таъминот вазирлигида масъул вазифада хизмат қилдилар.

Инсон дунёга келиб, оила қуради, бола-чақа орттиради. Хулласи калом, қисқагина умр гузаронлиги давомида фарзандларига ўз билганича, ўз йўриғи бўйича оқу-қорани ўргатади. Болам одам бўлсин, деб уни тарбиялайди. Садриддин домла уч ўғил, уч қизни вояга етказди. Фарзанди қобиллари ҳам ота сингари эл-юрт хизматига камарбаста инсонлар бўлиб етишдилар. Азмиддин — олим, Масловиддин — тиш табиби, Бадриддин эса, шаҳар ҳокимлигида масъул вазифада ишлайди. Гўзал, Узро, Гулноралар ҳамшира, фельдшер, қадимшунос мухандис. Ҳаммаларининг оиласи, ширидан-шакар фарзандлари бор. Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил, деганлари шу бўлса керак-да.

Шу ўринда ҳикоямиз қаҳрамони Масловиддин Садриддинов ҳақида мухтасаргина сўз айтишни бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Аввало, Масловиддин аканинг камтар, камсуқум, хокисор, чинакам мутахассис инсон эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Масловиддин ака-ука, сингиллари қаторида Садриддин отанинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб ўсди. Ўқиди, ўрганди, ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, 1968 йилда Тошкент тиббиёт институтининг стоматология қуллиётида таҳсил олди.

У ўқишни тугатиб, Чирчиқдаги тиббиёт техникумида бўлажак табобатчи ёшларга дарс бера бошлади. Албатта, бирданига юксак чўққиларни забт этиш осон иш эмас. Лекин, Масловиддин ака қийинчиликлардан асло чўчимади. У севган касбининг миридан-сиригача ўрганди. Инсон ўзи танлаган касбини мукаммал эгалласа, қандай ишга қўл урмасин, ижобатли ва барокатли бўлади.

Алқисса, Масловиддин Садриддинов уч йил «Тез ёрдам» тизимида, сўнгра ТошМИдаги инсон тузилишининг мутаносиблиги кафедрасида домлалик қилди.

Инсон эл-юртга бирор нафим тегса, мендан ҳам яхши фарзандлару, яхши боғ-роғлар қолса, меҳнатимнинг самарасини кўриб, юртнинг дуосини олсам, деб ўйларкан. Ҳар холда Масловиддин аканинг ҳам кўнглидан ана шундай ниятлар кечган бўлса, ажабмас. Масловиддин Садриддинов Оҳангаронда тиш қўйиш шифохонасини очиб, у ерда бош ҳакимлик лавозимида ишлади. Кейинроқ Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги 9-тиш шифохонасида хизмат қилади.

1990 йили М. Садриддиновнинг ташаббуси билан замонавий, энг сўнгги техника ютуқлари билан жиҳозланган хусусий, кўп тармоқли тиш қўйиш шифохонаси очилди. Ҳозирги кунда бу шифохона эл хизматида.

Садриддиновлар сулоласини шифокорлар оиласи десак, хато бўлмас. Келинойи Мавжудахон опа — болалар табибаси. Фарзандлари Дилфузахон — оторолинголог, Наримон — тиш қўйиш табиби, Нодир — ҳуқуқшунос.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Масловиддин ака ҳали бакувват, тажрибага бой, тиниб-тинчимас, янгиликлар изловчи инсонлардан биридир. Унинг шогирдлари Зулфия Ортиқбоева, Таваккал Темиров, Бўлат Тасанов, Салима Холжигитова, Мастура Аҳмедова, Дилором Соткулова, Виталий Эшимбоевлар устозларини еру-кўкка ишонмай, эъзозлашади.

Яхши инсоннинг тиниб-тинчимаслиги унга чексиз муҳаббат, мурувват олиб келади. Масловиддин аканинг тажрибаси, улкан хизматлари элюртга қилаётган яхшиликлари фидойилик намунаси бўлиб қолиши ҳеч кимга сир эмас.

Шавкат ТУРОБ.



БЕМОРЛАР дардига малҳам бўлган нажоткорларни одамлар бир умрга эслаб юрадилар. Мабодо улар ҳақида гап очилиб қолгудек бўлса, қалбларида меҳр, чеҳраларида табассум, кўзларида қувонч билан ўз халоскорлари ҳақида ширин сўзлар айтишади.

Қибрай туманидаги марказий шифохонанинг жарроҳлик бўлими бошлиғи Сергей Ли кўп йиллардан бери сидқидилдан хизмат қилиб, барчанинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: Сергей Ли беморни қабул қилмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҚАЛБЛАРИДА МЕҲР, ҚЎЛЛАРИДА СЕҲР

СЎЛИМ табиати, оромбахш булоқ сувлари, мусаффо ҳавоси билан эл оғзига тушган «Ҳисарак» қишлоғида ёши саксонни қоралаб қолган Абдураҳим ота бир қизиқ гап тарқатди. Нима эмиш денг, яқинда бу ерда очилган дўхтирхонага хизматга келган уч аёл бир эркак шифокорнинг кўзида ҳам, қўлида ҳам сеҳр бормиш. Касал одамга синчиклаб қараб, қўлини тегизса, дард қочганини бемор билмай қолармиш. «Менинг ўзимдан қиёс, — депти отахон, — икки қўлим белимдан ошмай, букчайиб қолгандим, мана яна йигитлардек тетикман...»

— Ота тарқатган гап лоф эмас, — дейди Паркент тумани марказий касалхонаси бош шифокори Миржамбул Абдуллаев, — бу ерда яқинда вилоят ҳокимлиги вакиллари иштирокида очилиб, тўққиз минг аҳолига хизмат кўрсата бошлаган қишлоқ врачлик пунктида Аҳмаджон Ашуров, Галина Раҳимова, Нигора Рустамова, Доно Абдумаликовалардек малакали шифокорлар, Анора Маннопова, Насиба Рустамова, Мавлуда Сироҳиддинова сингари ҳамширалар беморларга ҳамиша парвона. Даволаш масканида оналик, болалик муҳофазаси, ички касалликлар, физиотерапия хоналари бўлиб, улар замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан тўлиқ жиҳозланган. Энг муҳими анча олисда жойлашган «Ҳисарак»дан энди бетоб одам туман марказига қатнашдан қутилди.

Шарқона услубда қурилган бу шифохона ўз салобати, файзи билан худуд чиройига чирой қўшган бўлса, унинг тиббиёт ходимлари эса муолажалардаги ҳозир жавобликлари, очиқ чеҳралари, мулойим сўзлари билан беморлар қалбига малҳам бўлмоқдалар.

Саид ВАЛИЕВ.

Булар сиздан миннатдор

БОЛАЖОН ШИФОКОРЛАР

КЎП йиллардан бери Чирчиқ шаҳар болалар касалхонасида ўз касбларига астойдил меҳр қўйиб, бурчларини ўтаётган бош шифокор Дилбархон Ҳасанова, тангликдан қутқарув бўлими мудири Рамил Галимов, нажоткор Елена Ким каби ўнлаб халоскорлар ҳақида гап кетганда ота-оналар уларнинг номларини «болажон дўхтирлар» деб, меҳр билан тилга олишади.

Бу бежиз эмас экан. Яқинда эл ҳурматини қозонган бу нажоткорларнинг фидойиликларига мен ҳам гувоҳ бўлдим. Уч ёшли қизим ва бир ёшли ўғилчам салмонеллез касаллигига чалиниб, шу шифохонада ётдилар. Бу маккор дард туфайли уларнинг аҳволи бироз мушкуллашди. Бундай пайтларда она қай ҳолатга тушишини бошидан ўтган билади. Кўзимга дунё қоронғу эди. Йўқ, бу ғашлик шифокорларнинг ширин сўзлари, таскинлари, умидбахш нигоҳлари туфайли тарқалди.

Дўхтирлар бу ердаги барча беморлар каби менинг фарзандларимга ҳам тунукун эътибор билан қарашди. Аста-секин болаларимга қувват кириб борди. Юзларида табассум пайдо бўлди. Худо хоҳласа, эртаиндин яна хонадонимизга қайтиш арафасидамиз. Оиламизга бундай қувончни бахш этган шифокорларга чин дилдан раҳмат. Уларнинг тан-жонлари ҳамиша соғ бўлсин.

Мунира УМАРОВА, Чирчиқ шаҳри.

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан

СЎНГГИ АЛАНГА

Зум ўтмай мўғул карнайлари янграб, тепалик атрофида жон-жаҳдлари билан олишаётган мўғул лашкарлари жангни тўхтатиб тезликда ортларига қайтдилар. Орадан кўп ўтмай энди тепаликка қараб улкан-улкан ёғоч ғўлалар ёғила бошлади. Бу ёғоч ғўлалар сувга бўктирилганлигидан тепалик ёнбағирларига залворли товуш билан гурсиллаб тушарди. Бироқ, бу ҳаракатлар ҳам кутилган натижа бермади. Палаҳмонлардан ҳар қанча отилаётган оғир нам ғўлалар ва тошлар ҳарчанд уринишларга қарамай, мўлжалдаги тепалик устига сира етиб боролмасди.Етиб борганлари ҳам мустаҳкам амалга оширилган ҳандақларга заррача шикаст етказолмасди. Мазкур тадбирдан иш чиқмаганини кўрган мўғул қўмондонлари ҳоқон олдида ўзларини гуноҳкордай кўрсатиб туришарди. Чингизхоннинг эса хуноби яна-да, ошди.

У, ўша ерда ҳозир туришган хитой усталарига қаҳрини сочиб, нолиди ва уларга, эндиликда жуда олисга отадиган қудратли палаҳмонлар ясашни буюрди. Яратилажак янги палаҳмонлар бағоят соз ҳамда жуда қисқа муддатда амалга оширилиши керак эди. Акс ҳолда усталарнинг бошлари сўзсиз кетажаклиги қатъий уқтирилганди. Орадан бир неча кун ўтиб, ҳоконнинг қаҳридан қўрққан хитой усталари ниҳоят шундай янги палаҳмонларни вужудга келтирдилар. Чингизхон бу янги палаҳмонларни қасоскорларга қарши синовга қўйди. Бу сафар золворли каттакатта оғир ғўлалар ва тошлар исталган мўлжалдаги жойларга етиб борадиган бўлди. Бу ҳол бирмунча муддат давом этгандан сўнг, Чингизхон ўзининг навбатдаги фармойишини берди:

— Тепаликдаги сартларнинг ўлмай қолғонлари тириклай қўлга олинуб, менинг ҳузуримга рўпара қилинсунлар!

Бироздан кейин улар томонга қаратилган палаҳмонлар ҳаракати тўхтатилди. Бу пайтларга келиб, йигитлар сафи анча сийраклашиб қолганди, лекин, шунга қарамай қолганларининг ҳали ҳам руҳлари тетик, бардам эди. Яна мўғул чериклари тепаликка илгаригидан анча кўпроқ катта куч билан ҳужум бошладилар. Хоразмликлар бало-ю, офатларга кўксиларини қалқон этган ҳолда ўша-ўша аввалгидек суръатни бир дақиқага-да бўшаштирмай, ғайрат билан жанг олиб боришар, ҳисобда жуда оз қолган бўлишларига қарамай, душманни доғу-хасратга, ҳайратга солганлари кўйи уларнинг додини бериш учун куч топишарди. Айниқса, қасоскорларга етакчилик қилган матонатли довюрак Қиличбийнинг марду майдонлиги, ҳатто, душман ҳоқонини ҳам лолу ҳайрон қолдирди. У қандай қилиб бўлса-да, ботирни тирик қўлга олишни истарди. Аммо кўп қон тўкиларди. Қиличбий бир ўзига ҳар ердан тўдалашиб ҳамда қилаётган ёғийларни кескир шамширила бағоят шиддаткорликда ҳаракат этгани кўйи шиғиллатиб қирарди. Бу жасоратни унинг бир тану, бир жон бўлиб ҳаракат қилаётган елкадош жасур йигитларига чексиз ғайрат ҳамда куч-қувват бағишларди. Юз бераётган бу воқеаларни ўз кўзи билан кўриб турган Чингизхоннинг сабри дош бермади. У яна ажал тўпи — палаҳмонларни ишга солишга буйруқ берди, эндиликда тепаликка тикилган чодирлардан бирига ўт кетди. Кучли эсиб турган шамолдан аланга олган олов тезда бошқа чодирларга ҳам туташиб, шиддатли тус ола бошлади. Бу сафар хоразмлик фидойилар чинакамига икки ўт-оташ орасида қолдилар.

Орадан бирмунча вақт ўтиб, жангнинг суронли овози палаҳмонларнинг залворли гумбир-гумбирлари остида худди узилган тордек тинди. Бироқ, тепаликнинг ғарбий қисмида сўнгги жанг борар, ўша томонда қуюқ бурқсиган тутун ҳануз осмонга ўрларди — у ёқда ёнғин давом этарди. Ниҳоят, душман лашкарлари охирги қаршиликни ҳам синдириб беҳисоб жасадлар орасидан ўтиб, яраланган Қиличбий ҳамда яна бир нечагина ярадор жангчилар билан Жалолиддин Мангубердининг муаррихи ва муншийси Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Несавий, яна саркарданинг тасодифан дарёга ташланмай қолган суюкли ўғли Жамолиддинни асир олиб, Чингизхоннинг ҳузурига келтирдилар.

Ҳали қор ёғмаган бўлса-да, тоғ-адирлардан эсаётган аччиқ изғирин суяк-суякдан ўтиб кетаётганди.

Несавий болани пўстини ичига олиб, бағрига маҳкам босди. Шу топда у ўзини буткул унутган, фикри-ёди фақат болага қаратилган, боланинг тақдирини ўйлаб қаттиқ қайғурар, ич-ичидан изтироб чекарди:

— Осмон ҳукми эркан-да, кўзим. Не чора!.. Бундан ўзгача бўлмайдур. Фақат бардамлик, чидам даркор, менинг азиз жажжи жигаргўшам! — деди чукур хўрсиниш билан Несавий эшитилар-эшитилмас. У ғоятда ақлли, табиат сахийлик билан бемисл кўркамлик бахш этган гўдакнинг юз-кўзи ва пешонасидан отадай меҳрибонлик билан ўпиб қўйди. У юрагининг туб-тубидан қайнаб тошаётган аламли нидо ва кўз-ёшини ташқарига чиқармасликка чандон тиришар, аллақандай дуоларни ичида ўқир ва лекин, иложсиз бамисоли тешик шишадан томчилагандай, кўзларидан беихтиёр томчи-томчи ёш думаларди.

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Шеърият

БОҒЛАР ОШИҒИ



ОДАТДА инсон ҳаётда бирон машғулот билан банд бўлиб, ўз ишидан кўнгли тўлиб, ҳордиқ олади. Биров шахмат ўйнашга, биров ҳунармандчиликка, яна биров китоб ўқишга мойил. Йўлдош Тўлаганов эса кўчат экиш, гул ўстириш, боғ яратиш ошиғи. Унинг унча катта бўлмаган боғчасида юзлаб туп ниҳоллар яшнаб ўсяпти. Айни пайтда боғбон шеърлар ҳам машқ қилиб туради. У шоирликка даъвогар эмас. Унинг чизгиларини ўз ишидан дилига завқ тушган кишининг изҳорлари десак бўлади. Бугун Йўлдош Тўлагановнинг баъзи шеърларини ўқиб, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлаймиз.

АЁЛЛАР

Минг қуёш чеҳрангиздан,
Нурлар олиб порлайди.
Таърифингиз ёзишга,
Бугун қалам чорлайди.

Турон қизи деганда,
Ёркин чироқ кўринур.
Бир оламга бергусиз,
Одоб, ахлоқ кўринур.

Иззату-икром сизга,
Бол каби сўзингиз бор.
Меҳрибону мушфиқсиз,
Кўрмас қалбингиз ғубор.

Товус каби товланиб,
Тонг саҳарлаб турасиз.
Севгингиз ила боғлаб,
Бузилмас уй қурасиз.

Аллалайсиз фарзандни,
Уйқу нима билмайсиз.
Эрта тонгдан кечгача,
Асло-асло тинмайсиз.

Бўлиб Ватан тимсоли,
Она номин олгансиз.
Меҳрибонлик бобида,
Юлдуз бўлиб қолгансиз.

Таъзим бугун сизларга,
Қўлни қўйиб кўкракка.
Суратингизни чизиб,
Кўйнин энг юксакка.

ВАТАН

Энг бебаҳо тоза гулшаним,
Қадди улуғ, озод Ватаним.
Жўшқин оққан дарёсан, сойсан,
Ерда суюк, осмонда ойсан.
Ғард юқтирмай сенинг шаънингга,
Шарафингни мудом сақлаймиз.
Иймон, инсоф, диёнат ила,
Она Ватан, тузинг оқлаймиз.
Эркни севган барча элларга,
Дўстлик қўлин чўзасан албат.
Дунё узра ўзинг танитиб,
Одилона қурасан суҳбат.
Таърифингни ҳатто булбуллар,
Тонг чоғлари куйлаб учади.
Суюк Ватан, бу пок тупроғинг,
Ўғлинг Йўлдош севиб қучади.
Эккан бир туп гулим бағрингда,
Яшнаб-яшнаб очилса такрор.
Бир гулчалик қўшолсам ҳуси
Бўлар эдим мен ҳам бахтиёр.
Шод юрибмиз эркингни сўйлаб,
Буюк Ватан эртангни ўйлаб
Жабҳаларда турғувчилармиз,
Доим олға юргувчилармиз.

Йўлдош ТЎЛАГАНОВ.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 19-23 июнь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Фақат вилоятимизнинг тоғли туманларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 15-20, кундуз кунлари эса 30-35 даража атрофида иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар Собир Рахимов туманидаги «БОҚИЙ» фирмасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Оққўрғон туманидаги 1-сон ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Ўринбоев Лутфулла Махмудович номига берилган ИСА № 075924 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чиноз туманидаги Мухтор Авезов номли 20-ўрта мактаб томонидан Кукенов Шерехон Раҳматуллаевич номига берилган А 274362 рақамли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Фарида БАЙКОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ОФАРИН, ОЙБЕК!

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон Республикаси саккизинчи миллий чемпионати олий табақасида 14-тур учрашувлари ўтказилди. Саккиз ўйинда дарвозаларга 16та тўп киритилди. Марказий беллашув вилоятимизнинг «Дўстлик» ва Наманганнинг «Навбаҳор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Муҳлислар дарвозаларга киритилган 6та тўпдан қониқиш ҳосил қилдилар.

Ўйин бошиданоқ майдон эгалари фаол ҳаракатлари билан ташаббусни қўлга киритдилар ва меҳмонлар дарвозаси томон кетма-кет ҳужум уюштирдилар. 19-дақиқада бу йилги тўпурарлар бахсида карвонбошилик қилаётган Ойбек Усмонхўжаев рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очишга эришди. 33-дақиқада эса яна унинг ўзи «Навбаҳор» жамоаси дарвозасига иккинчи тўпни киритиб, ҳисобни 2:0га етказди.

Иккинчи бўлимда ҳам майдон эгалари ҳужумни бўшаштирмадилар. Рақиб дарвозасини «ўққа тутишлар» ўз натижасини берди. Мухтор Қурбонов учинчи тўпнинг муаллифи бўлди.

Шундан сўнг меҳмонлар ҳам қарши ҳужум уюштиришга отланди. Лекин, ҳатти-ҳаракатлар самара бермади. 53-дақиқада Ойбек яна битта тўп киритди. 4:0! Таҳминан ўн дақиқалардан сўнг Ойбекнинг ўзи рақиб дарвозасини яна бир бор аниқ нишонга олиб, ҳисобни 5:0га етказди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида меҳмонлар уюштирган қарши ҳужумлардан бири самарали бўлди. 87-дақиқада «Навбаҳор» ҳужумчиси Шухрат Раҳмонқулов майдон эгалари дарвозасига ягона жавоб тўпини киритди. Ўйин 5:1 ҳисобида майдон эгаларининг йирик ғалабаси билан якунланди.

Шу тариқа Ойбек Усмонхўжаевнинг мавсум бошидан бери киритган тўплари 18 тага етди ва у самарқандлик тўпурарлар Равшан Бозоров ва Жаъфар Ирисметовлардан 7 тўп илгарилаб кетди.

Вилоятимизнинг олий табақадаги иккинчи вакили «Металлург» Навоийда «Зарафшон»га қарши майдонга тушди. Ўйин ҳар икки жамоанинг ғалабага бўлган ҳаракатлари остида ўтди ва бир неча бор ҳавфли ҳолатлар юзага келди. Учрашувнинг 64-дақиқасидагина майдон эгалари ҳужумчиси Анвар Қосимов ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Меҳмонларнинг уринишлари натижа бермади. Ўйин 1:0 ҳисобида майдон эгалари ғалабаси билан якунланди.

Мамлакатимизнинг бир неча бор чемпиони «Нефтчи» Термизда «Сурхон» билан учрашди. 2:1 ҳисоби қайд қилинди. «Хоразм» — «Бухоро» учрашуви 2:0 ҳисоби билан якунланди. «Самарқанд» — «Янгиер» — 1:0. Худди шундай 1:0 ҳисоби «Насаф» — «Суғдиёна», «Трактор» — «Темирйўлчи», «Андижон» — «Пахтакор» учрашувларида ҳам қайд этилди.

14 ТУРДАН СЎНГ ЖАМОАЛАРНИНГ ЖАДВАЛДА ТУТГАН ЎРНИ.

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Дўстлик»	14	12	1	1	44-17	37
2. «Самарқанд»	14	11	2	1	33-16	35
3. «Навбаҳор»	14	7	3	4	22-19	24
4. «Нефтчи»	14	7	2	5	29-21	23
5. «Хоразм»	14	7	2	5	19-15	23
6. «Насаф»	14	7	1	6	20-22	22
7. «Пахтакор»	14	6	2	6	28-23	20
8. «Металлург»	14	6	2	6	15-16	20
9. «Бухоро»	14	5	4	5	28-23	19
10. «Темирйўлчи»	14	6	1	7	23-33	19
11. «Трактор»	14	6	1	7	24-35	19
12. «Зарафшон»	14	4	2	8	19-26	14
13. «Суғдиёна»	14	4	2	8	17-25	14
14. «Андижон»	14	4	1	9	22-26	13
15. «Сурхон»	14	3	2	9	16-23	11
16. «Янгиер»	14	2	2	10	9-28	8

15-тур учрашувлари 20 июнь куни ўтказилади.

Талъат ЮСУПОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир ўринбосари Раҳимберди УМАРОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0443. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 17.45. 1 2 3 4 5 6